

# МАВЗУ: АМАЛИЙ КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

## Режа:

1. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти.
2. Таълим технологияси ўз ичига қуйидаги омилларни олади.
3. Замонавий тарбиялаш технологияси.
4. Педагогик вазифанинг белгиланиши қуйидагиларни қамраб олади:

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи жамиятни маънавий янгилайдиган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантирадиган ва уни жаҳон ҳамжамияти даражасига кўтариб, узвийликни таъминлайдиган очиқ демократик ҳуқуқий давлат қурмоқда.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳиёти ва умуминсоний қадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси ва технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукамал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

## □ *Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти*

шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

□ Мақсадга йўналтирилганлик, оралиқ натижаларни ташхисли текшириб бориш, таълимни алоҳида ўқитиш лавҳаларига ажратиш каби усуллар ҳозирги кунга келиб қайта-қайта такрорлаш мумкин бўлган таълим технологияси ғоясида мужассамланган.

## Таълим технологияси ўз ичига қуйидаги омилларни олади;

- таълимда умуммақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умуммақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- ўқувчиларнинг билим даражасини дастлабки (ташхисли) баҳолаш;
- бажариладиган ўқув тадбирлари мажмуаси (бу босқичда ўқувчилар билан мулоқат асосида таълимга жорий тузатиш) киритилиши лозим;
- натижани баҳолаш.

***Тарбиялаш технологияси*** - нисбатан янги атама бўлишига қарамай, ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Тарбиялаш технологияси ёшлар билан тарбиявий ишларнинг ғояси, мазмуни, таркибини эмас, балки бу соҳадаги ҳукумат ишлаб чиққан мақсад ва вазифаларни самарали амалга ошириш билан шуғулланади.

Тарбиялаш технологияси мўлжалланган тарбиявий мақсадга самарали эришувни таъминловчи воситалар мажмуасини кўриб чиқади. Шу боис профессор-ўқитувчилар учун ҳар томонлама ривожланган юқори интеллектуал ва маънавий баркамол фуқаро шахсини шакллантиришга қаратилган талабаларни ҳукумат сиёсатига мувофиқ тарбиялаш технологияларини эгаллаши долзарбдир.

## **Замонавий тарбиялаш технологияси** - ҳар томонлама ёндашувни амалга оширади ва қуйидаги мажбурий талабларга риоя қилади:

- Тарбияланувчиларга уч йўналиш бўйича таъсир этилади - **тафаккурига, сезгиларига ва хулқига.**
- Тарбия (**ташқи педагогик таъсир**) ва ўз-ўзини тарбиялашнинг узвийлиги туфайли ижобий натижага эришилади.
- Тарбия жараёнида иштирок этувчи барча восита ва тадбирларнинг мувофиқлаштирилиши; ижтимоий университетлар, бирлашмалар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, оила, мактаб, ҳуқуқ тарғибот идоралари, жамоалар - **ҳар томонлама ёндошувнинг зарурий шартидир.**
- Шахснинг маълум сифатлари амалдаги тарбиявий ишлар мажмуи орқали ҳосил қилинади. Бу ишлар яққол кўринишда ва кўп ёқлама бўлиши, улар бир вақтнинг ўзида ақлий, жисмоний, хулқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини узвий ҳолда олиб бориши зарур.
- Ҳар ёқлама яхлит тарбиявий ёндашув тарбиячининг тизимли муносабатини ва бошқарувини тақоза қилади. Бошқарув тарбия жараёнида иштирок этувчи ташқи ва ички омиллар ва уларнинг ўзаро таъсири инобатга олингандагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Шу боис, у омиллар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш зарур.

# Инновация жараёни

янги ғоя  
туғилиши

янгилик  
яратиш  
босқичи

янгиликни  
амалда  
қўллай  
билиш

янгиликни  
ёйиш, уни  
кенг татбиқ  
этиш

муайян  
соҳада  
янгиликнинг  
ҳукмронлик  
қилиш  
босқичи

янгиликнинг  
қўлланиш  
доирасини  
қисқартириш  
босқичи

инсонларнинг  
эҳтиёжи ва  
интилишлари  
ни янги  
воситалар  
билан  
қоелирқондир  
иш

- ✓ Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва воситаларининг мажмуидир. Бунда янги мазмун, шакл, усул ва восита уйғунлигида мақсад, вазифа, фаолият ва педагогик натижа яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади.
- ✓ Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.
- ✓ Таълим технологияси репродуктив дарс беришга асосланган бўлиб, ундаги ўқув жараёни талабаларга типик ҳолатлардаги ҳаракатларни эгаллашга йўналтирилган.



**Инновацион технологиялар асосида баҳс-мунозара дарслари, ақлий ҳужум ўйинларидан кенг кўламли билим, тажриба ва мустақилликка асосланган ҳолда машғулотлар ташкил этилса, қуйидаги натижаларга эришилади:**

- ❖ машғулотлар давомида талабаларнинг мустақиллиги, ихтиёрийлиги ва эркинлигига эришилади;
- ❖ талабалар ўз фикр ва қарашларини ҳимоя қилишга ўрганадилар, уларни бошқаларга етказиш маҳоратини эгаллайдилар;
- ❖ талабалар жамоа фикрига таянишга, уни ҳурмат қилишга ўрганадилар ва уларда ўзаро ҳурмат ҳисси ортиб боради;
- ❖ талабалар ўқув фанига доир материаллар билан мустақил ишлашга, изланишга, ўқитишнинг самарали шакл ва услубларидан ижодий фойдаланишга одатланиб боради;
- ❖ талабаларда билимларни мустақил эгаллаш, ижодий фикр юритиш ва эркин фикрлаш малакалари шаклланади;
- ❖ ўқув машғулотларида ахборот технологияларидан фойдаланишга, ўзаро фикр алмашишга, педагогик фаолиятни танқидий таҳлил қилиш ва таққослашга ўрганадилар.

## Педагогик вазифанинг белгиланиши қуйидагиларни қамраб олади:

- ❑ - таълим мақсадларини таҳлил қилиш ва шу асосда ўқув предметининг мазмунини аниқлаш;
- ❑ - ўқув предмети мазмунини тузилмасини ишлаб чиқиш ва уни ўқув элементлари тизими кўринишида ифодалаш;
- ❑ - ўқув элементларини ўзлаштириш даражаларини белгилаш;
- ❑ - таълим олувчиларнинг дастлабки билим даражасини аниқлаш, бу кўрсаткич ўқув предметининг мазмуни асосланадиган ўқув материални ўзлаштирганлик даражасидан келиб чиқади;
- ❑ - ўқув-моддий база ҳамда таълимнинг ташкилий шаклларига қўйиладиган чегараларни белгилаш.


## **Педагог фаолиятининг технологияланувчанлик даражасини проф. Н.Сайидаҳмедов қуйидаги мезонлар асосида алоҳида ажратиб кўрсатган.**

- Ташхисланувчан ўрнатилган мақсад – талабалар томонидан дидактик, жараён маҳсули сифатида ўзлаштирилган аниқ ўлчамли тушунчалар, амаллар ва фаолият турлари.
- Таълим мазмунини ўқув элементлари ёрдамида баён қилишда абстракция поғоналарининг ва ахборотларни ўзлаштириш даражасининг ҳисобга олиниши.
- Ўқув материалларини ўзлаштириш босқичларининг етарлича мантиқий қатъиянлиги – дидактик жараён тузилмасига мослиги.
- Ўқув жараёнига янги воситалар ва ахборотлаштириш усулларининг жорий этилиши.
- Ўқитувчининг қоидабоп (алгоритмли) ва эркин, ижодий фаолиятидаги мумкин бўлган четга чиқиш чегарасининг кўрсатилиши.

## Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар талими тизимида таълим технологияси асосида ўтказиладиган машғулотлар анъанавий педагогик амалиётдан қатор хусусиятларига кўра фарқ қилади:

- машғулотлар талабаларнинг ўқув мақсадларини ойдинлаштиришдан бошланади;
- таълим-тарбия жараёни олдиндан қайд этилган натижага мўлжаллаб ташкил этилади;
- ҳар бир талаба ўз фаолияти хусусиятларига мос келадиган суръатда ишлайди;
- жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзлари эришган натижадан тез-тез огоҳлантириб турилади; эришилган натижа таълимнинг ҳар бир босқичида эталонга бирлаштириб турилади;
- натижа талабаларнинг асосий ўқув мақсадларига кўра аниқланади;
- ўқув материални тўлиқ ўзлаштирган талаба кейинги мавзунини ўрганишга ўтади;
- эталондан паст ўзлаштирган талабалар учун таълим ўхшаш шароитларда такрорланади;
- талаба учун ўқиш-ўрганиш ҳаракатига тенг мақсадларни амалга оширишдан бошланади;
- талаба ҳаракатга тенг мақсадлардан оралиқ мақсадга – билимларга, ундан умумий ўқув мақсадига қараб боради;
- ҳаракатга тенг мақсаддан умумий ўқув мақсадига қараб бориш ўқиш-ўрганишнинг циклигини таъминлайди;
- якуний (назорат) баҳо ўқув курси тўлиқ ўрганилгач чиқарилади.


## Ўқув жараёнининг тuzилиши



## Профессор М.Очилов педагогик технология узулига қуйидагиларни киритган:

- ✓ Таълимнинг умумий мақсадлари, муҳим масалалари таснифи.
- ✓ Ойдинлаштирилган мақсад (ўқув вазифа)ларини ишлаб чиқиш.
- ✓ Таълимнинг мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш.
- ✓ Мақсадларга эришиш усуллари.
- ✓ Таълим мақсадларига эришилганини баҳолаш.

# Педагогик технология усулининг умумий тузилмаси



## Педагогикага оид адабиётларда инновацион жараёни кечишининг 4та асосий қонунияти фарқланади:

- педагогик инновация муҳитининг аёвсиз бемаромлик қонуни;
- ниҳоят амалга ошиш қонуни;
- педагогик инновациянинг даврий такрорланиши ва қайтиши қонуни;
- қолиплаштириш (стереотиплаштириш) қонуни;



# Ўз-ўзини назорат ва муҳокама учун учун саволлар:

1. Таълимда «инновацион жараёнлар» термини нимани англатади?
2. Инновацион фаолиятни шакллантириш шартларини изоҳлаб беринг?
3. Педагогик технологияга таъриф беринг?
4. Педагогик технологиянинг таснифларини асослаб беринг?
5. Муаммоли ўқитишнинг моҳияти нимада?
6. Сиз технологияларнинг қайси турларини биласиз?
7. Интерфаол методга мисол келтиринг?
8. Замонавий ўқитиш технологияларининг аҳамиятини тушунтиринг?
9. Нима учун педагогик технология лойиҳаланади (мисоллар ёрдамида асослаб беринг)?
10. “Блиц-ўйин” методи бўйича мисол келтиринг?